

Аҳолиси турмуш даражасининг ҳолати ва аҳоли турмуш даражасининг ошириш йўллари.

СамИСИ «Иқтисодиёт» кафедраси ўқитувчиси З.Б.Усманов

ИК-111 гуруҳ талабаси Э.У.Усмонов

ИК-111 гуруҳ талабаси М.А.Холбоев

2013-йилда тиббиёт-санитария соҳасида биринчи ёрдам кўрсатиш оилавий тиббиёт принципи асосида ишлаш шаклига ўтказилди. Бу эса юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш бўйича жорий этилаётган чора-тадбирлар тизимида муҳим қадам бўлди. Бундай ўзгариш қишлоқ жойларда, айниқса, чекка туманларда яшаётган 14 миллион 600 минг нафар аҳолига малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконини берди.

Туғиш ёшидаги аёллар, шунингдек, болалар ва ўсмирларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўлиқ таъминланди. 2011-2013-йилларда 535 минг нафар ҳомиладор аёл ирсий ва туғма касалликлар бўйича текширувдан ўтказилди.

Бу 2013-йилда қарийб 2,7 минг боланинг туғма хасталиклар ва ривожланишдаги нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконини берди. Мухтасар айтганда, «Она ва бола скрининги» дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ривожланишда нуқсони бор болаларнинг туғилиши 2000-йилга нисбатан 1,8-марта камайди.

Аҳолининг овқатланишини яхшилаш, ун ва тузни зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, оналар ва болаларни витаминга бой дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли бугунги кунда болаларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади ва ҳеч шубҳасиз, бу биз эришган катта ютуқлардан бирidir.

Фақатгина 2013-йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010-йилга нисбатан 3,8 баробар ошди. Бунинг натижасида 295 та тиббиёт объекти реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини жиҳозлаш даражаси 1,8 баробар ортди ва 91,7 фоизга етди, жумладан, юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозлаш даражаси 82,6 фоизни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти, айниқса, касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича замонавий талабларга тўла жавоб бермаслигини қайд этиш даркор. Қишлоқ врачлик пунктларини ялпи текшириш натижалари буни яна бир бор кўрсатди.¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизнинг 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағшланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги марузаси. Халқ сўзи 18-январ

Ушбу соҳа нафақат миллий иқтисодиётнинг ўсиш суратларини жадаллаштириш, балки бугунги кун учун долзарб ҳисобланган аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш масалаларни ҳал этишда етакчи ўрин тутмоқда.

Аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини ошириш, биринчи навбатда, инсонларга нормал меҳнат шароитлари яратиш, уларнинг яшашлари, таълим олишлари, малака оширишлари, иш қобилиятларини тиклашлари учун зарур бўлган моддий ва молиявий шарт-шароитларни яратишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Барча шароитларнинг, иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат”.²

Аҳоли турмуш даражаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир. Уни ошириб бориш ижтимоий ривожланишнинг асосий мақсадидир. “Турмуш даражаси” тушунчаси замонавий талқинда инсон фаолиятининг барча томонларига тааллуқли бўлган кенг қамровли тушунчадир.

Турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарурий моддий, номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик даражаси, уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади³. **Аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини ошириш** –бу жамиятнинг ҳамма аъзоларига меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар томонлама жисмоний ва маданий тараққиётни таъминлаш ҳамда меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганларни ижтимоий таъминот, пенсия ва нафақалар билан таъминлаш, нисбатан кам даромадли оилаларнинг болаларига нафақалар бериш йили билан амалга оширилади. Енг кенг тарқалган кўрсаткич айрим олинган инсон, оила ёки аҳолининг айрим ижтимоий гуруҳлари қўлидаги товар ва хизматлар ҳажми ҳисобланади. Бунда уй хўжаликлари олишлари мумкин бўлган товарлар, хизматлар ва корхона активлари ҳажми турмуш даражасини ифодалайдиган энг муҳим индикатор ҳисобланади. Даромадлар истеъмол харажатлари ва жамғаришларни молиялаштириш учун ишлатилади. Улар келажакда аҳоли томонидан молиявий активларни ва мулкларни (ер, уй ва ҳақозо) сотиб олиш учун сарфланади ва бу ҳам аҳоли турмуш даражасига таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари аҳоли турмуш даражасини кенг маънода ифодалаш учун ижтимоий статистика кўрсаткичлари тизимида кирадиган бир қатор кўрсаткичлар ҳам қўлланилади. Масалан, турмуш даражасининг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланувчи мамлакатда миллий бойликнинг ҳажми, таркиби ва ўзгариши, ишлаб чиқилган ва фойдаланилган миллий даромад кўрсаткичлари вилоятни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Аҳоли турмушининг даражаси кўп

²Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модерни-
зация ва ислох этишдир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2005.-206

³Абдурахмонов ҳ.Х. ” Меҳнат иқтисодиёти”. Олий ўқув юртлари учун дарслик. -Тошкент: "Меҳнат", 2004. 441-
бет.

жиҳатдан аҳолининг вақт бюджети статистикасининг кўрсаткичларини акс эттиради. У ижтимоий статистика кўрсаткичлари тизимининг « Шахс, оила ва меҳнат коллективи статистикаси» бўлимида « Аҳолининг бўш вақти ва дам олиш статистикаси» тизимини ташкил этади.

Аҳолини турмуш даражасини ривожлантириш кўрсаткичлари бу ҳар бир мамлакатни иқтисодий ўсишини кўрсатишдир. Шунинг учун ҳар бир мамлакат аҳоли турмуш даражасини ошириш учун интилади ва уни давлат сиёсатининг асосий мақсади деб билади. Чунки иқтисодий ўсиш куйидагиларни билдиради:

- миллий маҳсулот ҳажмини ва даромадни муттасил кўпайишини, демак оқибатда эса аҳоли турмуш даражаси ўсишини;

- ишлаб чиқариш фондларини ва ишчи кучларини хўжалик оборотига янада тўлароқ жалб қилишни, яъни жамиятнинг чегараланган ресурсларидан тўғри фойдаланишни;

- шахсни ривожланишига олиб келувчи янги эҳтиёжларни ва шу билан бир вақтда уларни қондиришнинг янги имкониятлари пайдо бўлишини;

- дунё бозорида давлат ишончининг ўсиши ва ўрнининг мустаҳкамланишини;

Аҳолининг турмуш даражаси ижтимоий-иқтисодий тушунча бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маънавий-маърифий эҳтиёжининг қондирилиши ҳамда турмуш шароитининг яхшиланиш даражасини тавсифлайди. Моддий эҳтиёжларга кишининг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, ёқилғи, маиший ва коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш кабиларга бўлган эҳтиёжлари киради. Маънавий-маърифий эҳтиёжларга кишиларнинг билими, малакаси ва маънавий-маърифий савиясини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш кабиларга бўлган эҳтиёжлари киради. Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, миллий-тарихий турмуш тарзимизни, халқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни, кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз. Аҳоли моддий фаровонлигининг барқарорлиги тараққиётига, ҳозирги илмий тил билан айтганда сивилизацияга боғлиқ. Халқ қанча бой бўлса, тараққиёт шунча юксакликда бўлади.